

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА “ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ТҮГРИСИДА”ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИНГ ҚҮЛЛАШ ТАРТИБИ

А. Махмудов

ФВВ Академияси хузуридаги Фуқаро мухофазаси институти  
катта ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада “Фавқулодда ҳолат түгрисида”ги Конституциявий Қонуннинг фавқулодда вазиятларда қўллаш тартиби түгрисида маълумотлар ёритилган. Ушбу қонуннинг таъминланишини юклатилган давлат идоралари олдида турган вазифаларни ҳамкорлида бажарилиши белгиланган. Фавқулодда вазиятларда кенг қамровли авария-қутқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга оширишини талаб этиладиган йирик ҳалокатлар, табиий оғатлар, эпидемиялар ҳамда техноген хусусиятига эга ва экологик фавқулодда вазиятларни бартараф этишига қаратилган чора-тадбирлар ўз аксини топган. Шу жумладан, фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланганлар сонини ва моддий зарани камайтишига эришиши.

Тадқиқод ишларидан кўзланган асосий мақсад ушбу масалалар бўйича хорижий мамлакатлар тажсрибасини ўрганиши, бизнинг мамлакатимиздаги манфатдор ташкилотлар билан қонуннинг ижросини ижрочиларга етказилишини, моҳиятини ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтиришини таъминлаш.

**Калит сўзлар:** комендант соати, фавқулодда ҳолат, фавқулодда ҳолат жорий этилаётган ҳудуларнинг чегаралари, фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича давлат комиссияси, ҳудуд коменданти, ҳудуд комендатураси.

### АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о применении конституционного закона «о чрезвычайном положении» в условиях чрезвычайного положения. положение настоящего закона определяется совместным выполнением задач, стоящих перед ответственными государственными органами. крупные катакстрофы, стихийные бедствия, эпидемии и чрезвычайные ситуации техногенного характера, требующие проведения масштабных аварийно-спасательных и других неотложных работ при чрезвычайных ситуациях, находят свое отражение в мероприятиях по ликвидации чрезвычайных

ситуаций. основной целью исследования является изучение опыта зарубежных стран по данным вопросам, обеспечение реализации закона с участием заинтересованных организаций в нашей стране, разъяснение населению сути и значения закона, в том числе достижения снижения количества пострадавших и материального ущерба от чс.

**Ключевые слова:** комендантский час, чрезвычайное положение, границы районов, где введено чрезвычайное положение, государственная комиссия по обеспечению чрезвычайного положения, комендатура области.

### ABSTRACT

*The article provides information on the application of the Constitutional Law "On the state of emergency" in a state of emergency. The provision of this law is determined by the joint implementation of the tasks facing the responsible state bodies. Major catastrophes, natural disasters, epidemics and man-made emergencies requiring large-scale rescue and other urgent work in emergency situations are reflected in emergency response measures. The main purpose of the study is to study the experience of foreign countries on these issues, ensure the implementation of the law with the participation of interested organizations in our country, explain to the population the essence and significance of the law, including achieving a reduction in the number of victims and material damage from emergencies.*

**Keywords:** curfew, state of emergency, borders of areas where a state of emergency has been introduced, the state commission for ensuring a state of emergency, the commandant's office of the region.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари тинчлик ва уруш даврида фавқулодда вазиятларда вужудга келган оқибатларни бартараф этиш ва уларни олдини олиш, ахоли ва ҳудудларни табиий ва техноген оғатлардан муҳофаза қилишни ташкил этиш.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “Халқаро фуқаро муҳофазаси ташкилоти”нинг хужжатларида “Дунёда тараққиёт шиддат билан ривожланиб бориши билан ёнма-ён хавф – хатар ҳам ошиб бормокда, шу боис “Барқарор ривожланиш кафолати-бу фуқаролар муҳофазасидир” деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий оғат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилиши қайд

этилган. Фавқулодда ҳолат эълон қилиниши, унинг мақсад, вазифалари ва бундай вазиятларда, фуқароларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, тартибларини белгилаш мақсадида 2021 йил 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий Қонун қабул қилинди. Қонун 7 боб, 38 та моддадан иборат.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига курувчи бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларнинг кучлари ва воситаларидан фойдаланилади.

Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айrim жойларида фавқулодда ҳолатни жорий этиш шартлари, тартиби, жорий этиш мақсадлари уни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қиласиган ҳолатларни бартараф этишдан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатdir.

“Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг аҳамияти шундаки, ушбу ҳуқуқий ҳодиса давлатда содир бўлаётган мураккаб жараёнларни диққат марказига олади. Миллий хавфсизликни, хусусан, фавқулодда ҳолатни таъминлаш маълум маънода мамлакатни ислоҳ қилишнинг шарти ва айни пайтда мақсади деган фикрни беради.

Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар белгиланган:

комендантилк соати - сутканинг маҳсус берилган рухсатномаларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз кўчаларда ҳамда бошқа жамоат жойларида ёхуд турар жойдан ташқарида бўлишга тақиқ белгиланган вақти;

фавқулодда ҳолат - Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқук ва эркинликларига, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган айrim чекловлар белгилашга йўл қўядиган ҳамда уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклайдиган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айrim жойларида вақтинча жорий қилинадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг алоҳида ҳуқуқий режими.

Фавқулодда ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони уч сутка ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига тасдиқлаш учун киритилади.

Агар фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилса, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тўлиқ ёки қисман, шу жумладан муддатидан илгари тутатилади. Бу ҳақда аҳоли фавқулодда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда хабардор қилинади.

“Фавқулодда ҳолат” Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига ва ҳудудий яхлитлигига бевосита таҳдид соладиган ҳамда фавқулодда чоралар қўлламасдан бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, алоҳида ҳолларда жорий этилади. Бундай ҳолатлар жумласига:

реал ташқи хавф, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ёки ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга уринишлар, оммавий тартибсизликлар, террорчилик харакатлари, шунингдек зўравонлик харакатлари билан бир вактда юз берадиган, фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига, давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг кундалик фаолиятига бевосита таҳдид солувчи ўта муҳим ҳамда тоифаланган обьектларни ёки айрим жойларни тўсиш ёки босиб олиш, қонунга хилоф қуролли тузилмаларни тайёрлаш, ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, миллатлараро, конфессиялараро ва чегаравий низолар;

кенг қамровли авария-қутқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар амалга оширилишини талаб этадиган йирик ҳалокатлар, табиий оғатлар, эпидемиялар ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, фавқулодда экологик вазиятлар ва ҳ.к. киради.

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида жорий этилган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши муддати 30 суткадан, унинг алоҳида маъмурий ҳудудларида жорий

етилган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати 60 суткадан ошиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Фавқулодда ҳолат даврида қуидаги чоралар ва вақтинчалик чекловлар жорий этилиши мумкин:

- давлат органлари ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш;
- ҳаракатланишга нисбатан чекловлар;
- жамоат тартибини, ўта муҳим ва тоифаланган обьектларни муҳофаза қилишни қучайтириш;
- фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга чекловлар;
- озиқ-овқатни ва энг зарур нарсаларни сотиш, сотиб олиш ҳамда тақсимлашнинг алоҳида тартиби;
- йиғилишлар, митингларни тақиқлаш ёки чеклаш;
- транспортлар ҳаракатини чеклаш.

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича маҳсус давлат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин. Улар жумласига қуидагилар киради:

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича давлат комиссияси, худуд комендантураси;

Реал ташқи хавф бўлганида комендантилик соати жорий этилиши мумкин. Бунда қоидаларни бузган шахслар комендантилик соати тугагунига қадар ушлаб турилади.

Мустақиллик йиларида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мамлакатда ва чет элда кўп сонли қутқарув ва инсонпорварлик операцияларни амалга оширган, жумладан: 1992, 1999 йиллардаги Туркия зилзиласи, 1995-1996 йилларда Тожикистондаги темир йўл халокати, 1998 йилдаги Шоҳимардон сув тошқинлар, 2000 йилдаги Сурхондарё вилояти Сариосиё худудидаги террорчилик ҳаракатлари, 2020 йилдаги Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақул туманлардаги кучли шамолларнинг оқибатларида етказилган заарлар, Сирдарё вилоятидаги “Сардоба” сув омборида тўғони ўпирилиши натижасида юзага келган техноген фалокат мисол бўлиши мумкин.

Конституциявий Қонунга мувофиқ фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва сиёсий хуқуqlар тўғрисидаги халқаро пактдан (Нью-Йорк, 1966 йил 16 декабрь) келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда

ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кунлик муддатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини мазкур халқаро шартномада назарда тутилган инсоннинг фуқаролик ва сиёсий ҳукуқларини вақтинча чеклаш ҳажми ҳамда фавқулодда ҳолатни жорий этиш шартлари тўғрисида хабардор қиласи.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши узайтирилган тақдирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби фавқулодда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши тугатилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари қоидаларининг амал қилиши тўлиқ ҳажмда тикланганлиги тўғрисида хабардор қиласи.

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга доир ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида Давлат комиссиясига ва худуд комендантига ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ва ижтимоий соҳа обьектларини, уй-жой фондини тиклашга, фуқароларга етказилган заарнинг ўрнини қоплашга, фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда жойлашган тегишли ташкилотларга компенсациялар тўлашга йўналтирилаётган маблағларни белгиланган тартибда тасарруф этиш вазифалари топширилиши мумкин.

Фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда халқаро инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур қабул қилинган “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни фавқулодда вазият шароитида фуқароларни ҳукуқ ва эркинликлари ҳимоя қилишга ва инсон-давлат-жамиятнинг, моддий ва маънавий қадриятлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлигини ва бошқа турдаги ижтимоий хавфли вазиятлардан ҳимоя қилишга кафолатланган.

## **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрь кунидаги “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август кунидаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май кунидаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрь кунидаги “Аҳолини Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 754-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 август кунидаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”ги 515-сонли Қарори.
7. <https://www.popmech.ru/technologies/55371>.
8. <https://www.library.ziyonet.uz>.
9. <http://srcyrl.xdvirtualreality.com/news/movie-power-vr-earthquake-experience-hall-15919891.html>